Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 18 декабрь жума

Сотувда эркин нархда

№ 248 (2029)

## МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

***Шўртан газ конларида шу йилнинг 11 ойида маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ортиғи билан бажарилиб, 18 миллиард 768 миллион кубометр табиий газ қазиб олинди. Олтингугурт ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ўсди. Айни пайтда Шўртан газ конлари бошқармасида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.***

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МОЛДОВА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ



17 декабрь куни Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида Молдова Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Молдова Президенти Петру Лучинскининг якка-ма-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек халқаро сиёсатдаги долзарб масалалар хусусида сўз борди.

Қароргоҳда икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Молдова ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва бу борада мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мажлис ниҳоясида Ўзбекистон билан Молдова ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро экспорт-импорт операцияларида эгри солиқ ундириш тамойиллари, ҳуқуқий ахборот алмашиш, икки давлат адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Эртага Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтади.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: расмий кутиб олиш маросими.**

## ЮРТПАРВАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

### Тошкент вилояти кенгаши сессиясидан сўнгги ўйлар

Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан олам-олам таассуротлар билан чиқиб, йўлак бўйлаб хаёл суриб кетар эканман, пойтахтдаги Амир Темур бекатида бир тўп оломонга дуч келдим. Ҳаммаси қўлида қоғоз тутган, бўйнига ёрлиқ осган. Кейин билсам, бу норасмий уй бозори экан. «Арзон-гаровга сотаману кетаман». «Нархи қанча?» «Ока, сув текин — 15 минг доллар». Ҳатто шаҳарнинг «любой» бурчагидан «любой» хонали уй топиб берадиган воситачи-шотирлар ҳам кўп экан. Тоғни урса талқон қиладиган алп қомат йигитлар, қўл-оёғи чаққон-чаққон қизлар уззукун шу ерда тик туришар, жағи-жағига тегмай кимларнидир аврар экан.

Шунда бир нарсани ўйладим. Шулар бугун кечқурун уйига бориб, телевизор кўришармикин? Президентимизнинг маърузасини эшитармиканлар? Ўзбекистоннинг бугун халқаро ҳамжамиятдаги ўрни, нуфузи нақадар юксалиб бораётганлиги, мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй бераётганлигини билармиканлар? Шундай азим юксалишларда нега менинг ҳиссам бўлмаслиги керак, деб ўйлашармикин?

Афсуски, Президентимиз, ҳукуматнинг собиқ аъзоларидан бирини куйиниб мисол келтиргани каби, уларнинг-да ўйлашга, ўйлаб туриб қийналишга вақтлари йўқ.

Ватанга, миллатга, халққа фидойи бўлишга арзимаган, унинг оғир кунларига ярамаган фарзанд ҳам фарзандми?

Юртга, унинг гуллаб-яшнашига, тараққиётига ҳисса қўшмай томошабин бўлиб турган фуқаро ҳам фуқароми?

Эл фаровонлиги, юрт ободлиги учун курашиш ўрнига халқнинг ризқини туя қилаётган, бурчак-бурчакларда ўз фароғатини кўзлаб яшаётган нафс бандалари ҳам инсонми ахир?

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги анжуманларнинг ҳовури совуб улгурмасдан Тошкент вилоятида яна шундай бир сессия ўтказилди. Юртбошимиз яна маъруза қилдилар, одамларни суҳбатга тортиб, улардан фикр сўрадилар, куйиниб-куйиниб гапирдилар. Ҳар учала вилоят сессияларидаги маърузаларга эътибор билан қарасангиз, бир маъни, бир мантиқ қизил ип бўлиб ўтади: **диёнатли бўлинг, Ватанга, миллатга ва халққа фидокорларча хизмат қилинг, шу юрт, шу мамлакат нуфузи учун курашинг!** Инчунун, **халқ ишончи — олий масъулиятдир!**

Зотан, инсон учун, шу юрт фуқаролари учун бундан ҳам ортиқ бахт, бундан-да зиёд файзиёб саодат борми?

Диёнатнинг ўзи нима? Иймон ва эътиқоднинг поклиги, покизалигининг ўзи диёнат эмасми? Таассуфки, Райим асфальтча иймону Қуроловча эътиқодлар ҳам бўлар экан дунёда. Улар дунё йиғиб нима топишди? Халқнинг нафрати-ю, лаънатиними? Сессияда кўпни кўрган оқсоқол Жўра ака Хонназаров ниҳоятда бамаъни гапларни айтдилар. «Савоб — дунёга зеб беради». Мен отахоннинг гапларидан ана шундай маъно уқдим ва бирданига хотирчилик дўстим Зиёвуддин Қўзиевнинг бир ҳикояси ёдимга тушди.

Кексаларнинг айтишича, Хатирчида бир илми дониш оқсоқол ўтган экан. У ҳамиша савоб юмушлар қилар, шу туфайли эл-юрт ўртасида унинг обрў-эътибори баланд экан. Бир куни у куп-қуруқ даштда эшак миниб кетаётса, узоқдан бир чўпон югуриб келаётган эмиш. У тўхтабди. Чўпон етиб келиб, ундан бир отим нос сўрабди. Оқсоқол эса бундай ишлардан ҳазар қилар экан, узрини сўраб, йўлида давом этибди. Қишлоғига етгач, бозорга тушиб нос харид қилибди. Ҳатто бундан носфуруш ҳам ҳайрон қолибди. Оқсоқол шундан кейин ўша даштдан яна кўп бора ўтибди, лекин чўпонни учратмабди, ҳеч ким ундан нос ҳам сўрамабди.

Оқсоқол кексайиб, бу дунё билан хайрлашиш арафасида «Бу дунёда бир одамнинг ҳожатини қондиролмадим» деб чўнтагидан носвойни олиб қўйиб, жон берган экан.

Президентимиз ҳамиша такрорлайдиган «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган гапларининг ҳаётий инъикоси эмасми бу. Яқинда Навоийга сафарга борганимда бир воқеани айтиб беришди. «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Николай Иванович Кучерский корхонанинг Тошкентдаги ваколатхонасига келганда ногирон бир ўзбек қизига кўзи тушади. Ундан ҳол-аҳвол сўрайди. Онасини чақиртиради. Вазиятни тўла англагач, уларни Навоийга олиб, концерн шифохонасига ётқизади. Депутат сифатида оладиган пулни уларга сарфлайди. Ҳар куни ишдан чиқиб, шифохонага кириб ўтади, қизчанинг аҳволини сўрайди.

Бир куни у уч кунлик сафарга кетаётганда, ўз ўринбосарларига тайинлайди:

— Мен бу ерда уч кун бўлмайман, шу қизнинг олдига бориб, ҳолидан хабар олиб туринглар. Унга ҳеч нарса керак эмас — ширин сўз ва эътибор зарур холос.

Савоб иш ўз кучини кўрсатди — қизча касалхонадан югуриб чиқиб кетди.

Зотан, гап инсонийлик, имон-эътиқод ҳақида кетган экан, халқ ишонган, эътиқод қўйган депутатларимиз хусусида ҳам бир-икки оғиз сўз айтмасак бўлмас. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «депутат ҳам, раҳбар ҳам, қўйингки ўзини шу юртнинг фарзанди деб биладиган ҳар бир киши фақатгина ўзининг кундалик иши, кундалик ташвишлари ва юмушлари билан чекланиб қолмасдан, эл-юртимизнинг фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилиши, курашиши ҳам қарз, ҳам фарздир». Навоий ва Самарқанд вилоятларида ўтган сессиялар материалларидан бизга маълумки, депутатларимизда ҳамон ташаббускорлик етишмайди, шўро давридаги мутелик иллатлари ҳалиҳануз тўла барҳам топмаган. Бильакс, ўша вилоят ҳокимлари ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб юрмас, ошна-оғайнигарчиликка, таниш-билишчиликка, алалоқибат, шоҳона яшаш ва таъмагирликка ўрганиб қолмас эди. Зеро, сессияда айтиб ўтилганидек, улар вилоят ҳаётига фаол аралашмоғи, муаммолар ечимига ижобий таъсир кўрсатмоғи, зарур бўлса, вилоят раҳбарларининг, жумладан ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиш, ҳокимиятнинг ишини холисона баҳолаш, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўй-рост гапириш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалаларида ўз ҳиссаларини қўшиши лозим эди.

Менинг катта энам — Олтин энам 90 ёшида вафот этдилар. Унинг алқаши ҳам, саннаши ҳам битта эди: ҳа санларними, уруғингдан кўпайгурлар, дер эдилар. Мамлакатимиз раҳбари ҳам ҳар икки гапнинг бирида, суйинганда ҳам, куйинганда ҳам, битта гапни такрорлайди: «Барака топкурлар!» Зеро, у киши арвоҳ уриб қўйган ҳокимларни-да, нафс ва мансаб комига ғарқ бўлган солиқчилар, курсибозларни-да ушбу калом билан сийладилар.

Дарҳақиқат, бу калом яхшига ҳимо, ёмонга калтакдир.

Инсон нима учун яшайди, унинг ҳаёт мазмуни нимадан иборат бўлиши керак? Инсоннинг яна фаровон турмуш кечириши, тараққиётга эришиш йўллари нималарда кўринади?

Ҳар учала сессияда ҳам айнан ана шу мазмундаги саволлар қўйилди ва юртбошимиз уни ҳаётий таққосларда тўла очиб бердилар. Дарҳақиқат, биз мутараққий мамлакатлар иқтисодиёти, одамлари, уларнинг турмуш тарзи, маънавияти билан қизиққанимизда бир нарсанинг гувоҳи бўламиз. Бизнинг кўпчилигимизда изланиш, тадбиркорлик, ислоҳотчилик етишмайди. Тўғри, кейинги йилларда бизда ҳам, сессияда таъкидланганидек, ислоҳотларни жорий этиш, ҳаётимизни янгилаш, энг аввало, дунёқарашимизни, тафаккуримизни ўзгартириш борасида катта қадамлар қўйилди. Бироқ ҳали етарлича самара кўринмаётир, хўжакўрсинлик, расмиятчилик йўқолмаяпти.

Нафақат ишлаб чиқаришнинг қуйи бўғинлари раҳбарларида, ҳатто маҳаллий ҳокимларда ҳам фидойилик, изланувчанлик фазилатлари кам. Уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимлари саёз. Ҳамон эскича маъмурий-буйруқбозлик услуби ҳукмрон. Бу саъй амаллар, оқибатда ислоҳотлар илдизига болта урмоқда.

Бироқ фидойи инсонлар орамизда кўп. Юртпарварлик, миллатпарварлик масъулияти уларнинг ҳаётини безайди, қинғир ишлардан, нопок юмушларнинг оқибатидан огоҳ этади. Юртини жону дилидан севган, унинг келажаги учун курашган ҳар қандай инсоннинг умр йўли саодатманд бўлиши, шубҳасиз. Юртпарварлик масъулияти ҳеч биримизни тарк этмасин!

Хуллас, Самарқанд ва Навоийда бўлганидек, Тошкент вилояти кенгаши сессиясида ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиздаги камчиликлар рўй-рост айтилди, улар чуқур таҳлил қилинди ва нуқсонларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Биз бу мухтасар чиқишимизда улардан олинган таассуротларимизнинг маънавиятимизга дахлдор томонлари хусусидагина тўхталдик, холос. Зеро, маънавияти улуғ халқнинг келажаги ҳам истиқболлидир.

**Эсиргап БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

***Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида қишлоқ хўжалиги корхоналари санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси Б.Ҳамидов бошқарди.***

Мажлисда бир қанча республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш билан шуғулланувчи биринчи ўринбосарлари, шунингдек, вилоят ҳокимларининг вилоят иқтисодиёт ва статистика бошқармаларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари санацияси бўйича вилоят комиссияларига бошчилик қилувчи ўринбосарлари иштирок этди. Мажлисга вилоят молия ва солиқ бошқармалари, меҳнат бошқармаси, давлат мулк қўмитаси бошқармалари, "Ўзагросуғурта" акциядорлик-суғурта компанияси ҳамда республиканинг бир қанча акциядорлик-тижорат банкларининг раҳбарлари таклиф этилди.

Мажлис иштирокчилари санация қилинган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 1998 йилги хўжалик-молия фаолиятининг дастлабки якунларини чиқардилар, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни муҳокама қилдилар. Йил бошидан буён санацияланган 104 корхонадан 84 таси фойда келтириб ишлай бошлагани, фақат 20 таси зарар келтираётгани айтилди. Бу корхоналар бўйича уларнинг хўжалик ва молия фаолиятини яхшилашга доир тадбирлар белгиланди.

Мажлисда келгуси йилда санация қилинган корхоналарнинг хўжалик-молия фаолиятини соғломлаштириш жараёнини давом эттириш вазифалари қўйилди. Мажлис иштирокчиларига санацияга муҳтож қишлоқ хўжалиги корхоналарини аниқлаш ва уларнинг хўжалик-молия фаолиятини соғломлаштириш юзасидан ўз таклифларини киритиш топширилди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Олимжонов ва В. Чжен иштирок этди.

**(ЎзА)**

## САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

«Оила» йилининг якуни ва 1999 йил Президентимиз томонидан «Аёллар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Экосан» Халқаро жамғармаси экологик қийин шароитда яшаётган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, саломатлигини тиклашда ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида навбатдаги «Экосан — Саломатлик поезди»ни жўнатди. Поездга жами 7 миллион сўм миқдордаги инсонпарварлик юки ортилган.

Жамғарма томонидан ташкил қилинган «Экосан — Саломатлик поезди» воситасида 45 минг нафардан ортиқ беморга малакали шифокорлар томонидан тиббий ёрдам кўрсатилади, у ердаги ёрдамга муҳтож оилаларга, ногиронларга, меҳр-шафқат уйларига, шифохоналарга 26 млн. сўмдан ортиқ инсонпарварлик ёрдами ажратилади, жойида даволаш имкони бўлмаган беморлар Тошкент шаҳридаги энг яхши шифохоналарда бепул даволаниб, яна яшаш жойларига элтиб қўйилади.

**Ўз мухбиримиз.**

### Олий Мажлис сессияси олдидан

## АДВОКАТ ҲУҚУҚИ КЕНГАЙСА...

***Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилади. Лойиҳанинг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши, атрофлича ўрганилиб қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни барпо қилиш, одамларнинг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг ўз ўрни бор. Шу боисдан айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.***

Қонун лойиҳасининг 1-моддасида адвокатлик билан шуғулланиш учун лицензия лозимлиги кўрсатилган. Амалдаги Адвокатура тўғрисидаги Қонунга биноан, ҳар бир фуқаро лицензияни вилоят адлия бошқармасидан олиши мумкин. Бироқ фуқаро юридик маълумотга эга бўлсада, бошқа жойда ишлаганлиги боис вилоят адлия бошқармаларидан тавсияднома ололмасдан, сарсон бўлганлик ҳоллари учрайди. **Менинг назаримда, ана шундай тавсифномани фуқаро фақат вилоят адлия бошқармаларидан эмас, балки ўзи ишлаб турган иш жойидан олиши ва шунга асосан республика Адвокатлар уюшмаси ҳузурида имтиҳон топшириб, шу жойдаги махсус малака комиссияси тавсиясига биноан лицензия олиши жорий қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.** Шунда адвокатларнинг мустақиллиги, ҳеч бир давлат идораларига тобе эмаслиги яна бир бор қонун билан кафолатланган бўларди.

Лойиҳанинг 4-моддасида адвокат материаллар билан танишиб чиқиши, суд ва бошқа органларда иш кўриб чиқилганда, овоз ёзиш қурилмалари ва бошқа техник воситалардан белгиланган тартибда фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилган. Лекин савол туғилади: адвокат иш материаллари билан танишиб чиққандан сўнг, тергов ёки процесс иштирокчилари билан алоҳида, холи учрашиб, суҳбат қилганида, тергов ва судда тўпланган далиллардан бошқа ёки уларга қарама-қарши бўлган ҳолатларни аниқласа, овоз ёзиш қурилмалари ва бошқа техника воситаларидан янги далилларни тўплаш мақсадида, фойдаланиш мумкинлигини нега белгилаш мумкин эмас? Адвокат ўз фаолияти давомида, аниқланмаган, янги ҳолатларни ўз ташаббуси билан излаб топганда, шу жараёнда техника воситаларидан фойдаланса, яхши эмасми? **Шу сабабли ушбу моддада «тергов ва суд ишлари билан боғлиқ бўлган, барча жойда, қонунда белгиланган тартибда, овоз ёзиш қурилмалари ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш мумкин»** деган сўзлар киритилиши керак.

Адвокат ўз ҳимоясига олган шахс иштирокидаги ўтказилган тергов ҳаракатларига қатнашиши мумкин. Гувоҳлар, жабрланувчи ёки бошқа тергов иштирокчилари билан бўлган тергов ҳаракатларига терговчи монелик қилиб, рухсат бермаган тақдирда адвокат фақат иш охирида материаллар билан танишиб чиқади. **Шу сабабли адвокат рухсат хатини олгандан сўнг, ўз ҳимоясида бўлган гумондор ёки айбланувчи иштирок қилган ёки иштирок қилмаган барча тергов ҳаракатларида ҳеч бир монеликсиз иштирок қилиши мумкинлиги қайд этилиши лозим.** Шунда адвокатларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари янада кенгайган бўларди.

Маълумки, адвокатнинг асосий мақсади инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларга мунтазам ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллиги кунига бағишланган тантанали маросимда айтиб ўтганидек, «одамлар фақатгина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётида ҳам адвокатлар хизматидан, уларнинг маслаҳати ва тавсияларидан фойдалана оладиган бўлсинлар». Бунинг учун адвокатлар ҳақидаги қонунларни мукаммаллаштириш билан бирга, амалда қабул қилинаётган қонунларда адвокатларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш талаб этилади.

**О. ҚАНДАҲОРОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

«ОБУНА-99»

## ЯҚИН СУҲБАТДОШ



***Ҳамма буюк ишлар, улкан қурилишлар, яратувчанлик, ризққа тўла далаларимизда тоғ-тоғ хирмон бунёд этиш, албатта, Сиз, озод замондошимиз туфайлидир. Шу боис мамлакатимизнинг энг йирик нашрларидан бири «Халқ сўзи» саҳифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Яъни, Сизнинг манфаатларингиз, уй-орзуларингиз олиб чиқилади.***

«Халқ сўзи» халқники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати ифодаланади бунда. Ҳар қандай тўқималардан холи, мавҳум ва сароб фикрлардан холис суҳбатдош истасангиз, юртимизнинг келажаги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва улғайиб бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.

Элимиз дастурхонининг тўкинлиги, Ватанимиз камолоти учун тиниб-тинчимаётган фидойи раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.

Азизлар, обуна мавсуми давом этмоқда. 1999 йилимизда рўй беражак воқеалар ҳар биримизнинг тақдиримиз билан бевосита чамбарчас кечади, албатта.

Ҳаётнинг ўзига яраша янгиликлари, турли-туман воқеаларини бағрига олиб янги кун бошланади. Тонг отади. Ана шу беғубор, сокин тонг нафаси, кайфияти заминни тарк этмай туриб, тафсилотлар эшигини очган «Халқ сўзи»ни қўлга оласиз. Фикрингизни чархлайсиз. Маънавий чанқоқлик ҳовури босилади. Бу ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган давлат. Шу давлатдан бебаҳра қолишни истамаган юртдошларимизга эса нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:

**Нашр кўрсаткичи:**

| | |
|---|---|
| якка газетхонлар учун | 166 |
| ташкилотлар учун | 167 |

| Обуна нархи: | 1 ойга П/Қ; | 1 ойга манзил | 6 ойга П/Қ; | 6 ойга манзил | йиллик П/Қ; | йиллик манзил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| - якка шахслар учун | 287 | 335 | 1.772 | 2.010 | 3.444 | 4.020 |
| - ташкилотлар учун | 963 | 1.170 | 5.778 | 7.020 | 11.556 | 14.040 |

